

УДК 808.5

Азимов Мухаммаджон, ЎзМУ магистранти
Azimov Mukhammadjon, master student of NUUZ

**А.НАВОИЙ МЕРОСИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ҚАДРИЯТЛАРНИ ШАХС БАРКАМОЛЛИГИ, ЖАМИЯТ
ТАРАҚҚИЁТИ, МИЛЛАТ КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ**

Аннотация: Буюк қалб соҳиби, сўз мулкининг султони, мир Алишер Навоийнинг ўз асарлари орқали илгари сурган ғояларидан мурод ҳазрати инсонни вояга етказишдир. Зеро, одамийлик шеvasига эга инсон Фарҳод янлиғ камолот бўстониға етса, ундан жамият, мамлакат, тараққиёт ва келажак бирдек манфаатдордир. Бошқача қилиб айтганда жамият кишиларининг камолоти бу миллатнинг, халқнинг камолотиға хизмат қилади.

Калит сўзлар: А.Навоий, сўз, бадиий ижод, адабиёт.

**PERSONALITY PERFECTION, SOCIAL DEVELOPMENT, ROLE
OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL VALUES IN THE A.NAVOI
HERITAGE**

Annotation: from the ideas of the owner of a great soul, the Sultan of the word estate, Mir Alisher Navoi through his works, Murad Hazarati is an adult person. After all, if a person with a dialect of humanism succeeds in the superstition of Farhad, then society, country, progress and the future are the same. In other words, the fullness of the people of society serves the fullness of this nation, the people.

Keywords: A.Navoi, word, artistic creativity, literature.

Шоир синчиков нигоҳи билан инсон ботини ва зоҳирига назар ташлайди, жамият ҳаётини, инсонийлик дунёсини ссергаклик билан кузатади ва ўз хулосаларини етти ўлчаб-бир кескани ҳолда адабийликка, абадийликка тимсолий образларға кўчиради. Бу борада бошқа асарлари сингари “Лисонут-тайр” ва “Маҳбубул – қулуб” кабилари ҳам фикримизни далиллайди.

Навоий ижодий меросида илоҳий ва дунёвий, нақлий ва ақлий тамойиллар ўзаро уйғунлаштирилади. Илоҳий ғоялар, тимсоллар Навоий учун инсон ҳамиша интиладиган идеал олам бўлса, дунё шу идеал оламнинг кўзгуси, ибрат ва сабоқ майдони. Зеро, инсонда коинотнинг, илоҳий оламнинг ҳикматлари, моҳияти акс этган. Шу боис шоир "Хайрат ул – аброр" достонида “Неки олами куброда бор-олами суғрода бор...”,.

“Ўз вужудунгга тафаккур айлагил, ҳар не истарсан, ўзунгдин истагил”.- дейди.

Алишер Навоий шахс камолотиға зид инсон феълидаги иллатларни, жумладан очқўзликни кескин қоралайди. У ўзининг Садди Искандарий достонида инсон қандай мавқе ёки мартабаға эга бўлмасин дунёға устун эмаслигини ва у бу дунёдан у дунёға ҳеч нимани орқалаб кета олмаслигини таъкидлаб дейдики:

Кўрки, қаён борли Фаридуну Жам,

Ейражу, Хушанг ила Захҳок ҳам.

Силму, Манучеҳр ила Навзар қани?

Баҳману, Дорову Скандар қани?

Шунинг учун, деб хулоса қилади Навоий, давлату иқбол билан шодланмаслик, қўлда нимаики мавжуд бўлса, барчасини одамларга бағишлаш керак, қўлда бор нарсани фалак тортиб олмасдан бурун одамларга бериб улгуриш керак. Ўн тўртинчи мақолатни Навоий қуйидаги мисралар билан якунлайди:

Панжаи хуршиддек илгингни оч,

Андин неким сийм оламға соч.

Ул сени айлар чу тиҳи даст, бил,

Билгач, ўз-ўзингни тиҳи даст қил.

Бу ўзида ақли ва ҳуши бор одамни узоқ ўйларга толдиради ва тегишли хулосалар чиқаришига олиб келади. Умуман олганда миллатнинг камолотга, жамиятни сифат жиҳатдан янги маънавий-маърифий уфиқларга эришишида Алишер Навоий меросини ўрганиш муҳим маъно ва аҳамиятга эга. Ушбу шоир сатрлари унга ишорадир.

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,

Ажаб саодат эрур чикса яхшилиқ била от.

А.Навоий асарларидаги маънавий-маърифий кадриятларнинг шахс баркамоллигига, жамият тараққиётига, миллат камолотиға таъсирини

ўрганар эканмиз шоирнинг “Ҳайратул аброр”идаги ҳайратларни тобора чуқур ҳис қилиб борамиз. Шоир шеърӣ тилда айтадики, илмни оқилона, амалий фойдали ишларга сарф этмоқ зарурлигини таъкидлайди:

Илм Навоӣ, сенга мақсуд бил,
Ендики илм ўлди амал айлагил.

Шунингдек, у илм ҳеч қачон шон-шуҳрат, амал-мартаба илинжига хизмат қилмаслиги зарурлигидан кишиларни огоҳ этади. Шоир илмни мансаб учун восита деб билгувчиларни, жоҳил амалдорларга лаганбардорлик қилгувчи олимларни қоралайди:

Илмни ким восита жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.
Олим агар жоҳ учун ўлса залил,
Илм анинг жаҳлига бўлгай далил.

Алишер Навоӣ ўз асарларида турли соҳалардаги илмларни мукаммал билган ва уни оқилона мақсадларга сарф этган комиллик фазилатига эга образларни кишиларга ибрат бўлсин учун ўз асарларида келтиради. Жумладан: Фарҳод, Ширин ва Шопур, Искандар, Меҳинбону кабилар ўз илмини, ҳаётини эзгуликка, тараққиётга сарф этган кишилар образидир. Унга буткул қарама-қарши бўлган салбий образларнинг бутун галерияси ҳам намоён бўладики уларнинг “илму амалларидан” одамлар фақат азият чекадилар. Булар сирасига Хусрав, Шеруя, Бузург Уммид ва маккор кабир кабилар шулар жумласидандир. Улардаги маънавий тубанлик, очкўзлиги, ички ғарази, лаганбардорлиги шу даражадаки ҳатто ота ўғил бир-бирларини маҳв этишдан ҳам тоймайдилар. Шоир Хусравнинг ўғли Шеруя образида бунинг яққол тасвираб берганки, бу ҳам инсонни ёвузликдан, очкўзликдан, жаҳолатдан йироқ бўлишга ундовчи катта ибрат сабоғидир.

Шоирнинг ўз асарларида элларнинг, халқларнинг ҳамжиҳатликка, тотувликка, бирини корига ярашга чорловчи ғоялари унинг барча асарлари руҳида балқиб турадики бу ҳам бугунимиз ва эртаимиз учун катта бир

маънавий-маърифий сабоқларини беради. Айниқса унинг Садди Искандарий достонида барча эллар ҳамжихат бўлиб Яъжуж маъжужий каби ёвузликни йўлини тўсиш учун барпо этган девори мисолида яққол кўзга ташланади. Шунингдек “Фарҳод ва Ширин”да ҳам бундай тасвирларга кенг ўрин берилган. Жумладан Фарҳод-чинмочинлик, Ширин-армани, ва Шопур эронлик ва бошқалар. Асардаги воқеа ривожиди улар бир-бирларига боғланиб бир-бирларига фойдали илму ҳунар ўргатиб кўплаб эзгу ишларни амалга оширадилар. Уларнинг ҳар бири ноёб истеъдод ва қобилият эгалари. Жумладан, Шопур истеъдодли ва уста рассом эди. Шопурнинг қалби маънавият нурларига лимо-лим тўлгани боис, у ўз ҳунарини эзгуликка сарф этади. Алишер Навоий уни тавсифий тасвирлайди:

Ҳунар бобида устои замона,

Замона ичра наққоши ягона.

Қалам аҳлига онинг тарҳи дастур,

Жоҳон аҳли дебон отини Шопур.

Алишер Навоийнинг эътирофича, комилликка эришиш, шарафга ноил бўлишнинг асосий шарти инсон, аввало, ўз феълидаги ёмон ахлоқни бартараф этишдир:

Бордир инсон зотида онча шараф,

Ким ямон ахлоқин этса бартараф.

Шоир “Ҳайрат ул-аброр”да инсонни мукаррам этувчи фазилатлар ҳамда тубанликка бошловчи иллатлар хусусида ҳам фикр юритади. Мансаб, мартаба, бойлик одоб ўрнини боса олмайди, дейди Навоий:

Елга шараф бўлмади жоҳу насаб,

Лек шараф келди хаёву адаб.

Одоб ва одобсизлик ўртасидаги масофа у қадар узоқ эмас. Ҳатто кулги ҳам меъеридан ошса, одобсизлик ҳисобланади:

Кулгуки ўз ҳаддидин ўлди йирок,

Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

Кишининг ўз ўрни ва ҳаддини билиши, ўзгалар ҳақиға риоя этиши ҳам одобдан далолатдир:

Гарчи адаб шарти бағоят керак,

Ҳар киши таврида риоят керак.

Навоий оила масаласига алоҳида эътибор қаратади. Инсон оилада ҳам одоб шартларига риоя этиши лозим. Оила бошлиғи рафиқаси ва фарзандлари учун масъулдир. Фарзандларга яхши исмлар қўйиш ота-онанинг фарзи ҳисобланади. Зеро, фарзандлар исмлари туфайли уялиб юрмаслиги керак:

Бириси қўймоқлик эрур яхши от,

Ким десалар этмагай андин уёт.

Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчларидан яна бири унга таълим беришдир. Илмли киши яхши-ёмонни фарқлайди, умрини беҳуда ўтказмайди. Навоий бу масалага жиддий эътибор беради:

Қилмоқ эрур бири муаллим талаб,

Қилғали таълим анга илму адаб.

Пок ният, бировнинг мулкига кўз олайтирмаслик, барчага бирдек эҳтиром кўрсатиш, камтарлик, сабр-тоқат, вафо, садоқат, ҳаё ҳам баркамол инсоннинг фазилатлари эканини таъкидлаган шоир одобнинг муҳим шартларидан бири ота-онанинг ҳурматини жойига қўйиш эканига диққатимизни қаратади, улар ризосини олишга ундайди.

Адабиётлар:

1. Navoiy Alisher. Xamsa /Alisher Navoiy; qisqartirib nashrga tayyorlovchi A. Hojiahmedov; mas'ul muharrir V.Rahmonov. –Т.: Yangi asr avlodi, 2010. – В.17

2. Navoiy Alisher. Xamsa. Saddi Iskandariy.–Т.: Fan, 1994. - В.109

3. Qayumov A. Asarlar.–Т.: Mumtoz so'z, 2008.-В.244

4. O'sha asar.-В.6

5. Navoiy Alisher. Farhod va Shirin. –Т.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at,